

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОЛҚАНОВ НУРИДДИН ТАШПУЛАТОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА СИЁСИЙ ЕТАКЧИ
ИМИЖИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ**

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по политическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Political Sciences**

Қолқанов Нуриддин Ташпулатович Замонавий шароитда сиёсий етакчи имижининг шаклланиш жараёни.....	3
Қолқанов Нуриддин Ташпулатович Процесс формирования имиджа политического лидера в современных условиях.....	21
Kolkanov Nuriddin Tashpulatovich The process of forming the image of political leader in Contemporary condition.....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОЛҚАНОВ НУРИДДИН ТАШПУЛАТОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА СИЁСИЙ ЕТАКЧИ
ИМИЖИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ**

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Siyos25 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгашнинг sf-ik.uz ҳамда «Ziynet» ахборот таълим портали www.ziynet.uz веб саҳифасига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Анвар Қаххорович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Алимардонов Тулқин Турдиевич
сиёсий фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71, факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни таркатилди
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Д.Ташанов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.д. (PhD)

А.Г.Муминов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ижтимоий-сиёсий тизимларининг модернизациялашиб бориши сиёсий кадриятлар тизимининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Реал воқеликда янгиланиш механизмлари кўпинча омманинг бир сиёсий етакчига ишонч билдиришига туртки бўлса, албатта, бошқасини обрўсизлантириб қўяди. Шунинг учун ҳам етакчилар ўртасида эркин ва соғлом сиёсий рақобатни вужудга келтиришга қаратилган демократик мезонлар кун тартибидо доимо долзарб бўлиб туради. Бундай шароитда сиёсий етакчидан мослашувчанлик, сайловчилар талабларига яқинлашув, сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини зийраклик билан ҳисобга олиб иш юритиш талаб қилинади. Сиёсий етакчи сайловчиларнинг овози учун мураккаб, шафқатсиз кураш пайтида барча имкониятларини ишга солади ва бунда сиёсий имиж муҳим ўрин эгаллайди. Бу жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларида ўзини тўла оқлаган.

Дунёнинг кўплаб демократик давлатларида сиёсий етакчиларнинг шаклланиши, сиёсий қарашлар майдони сиёсий рақобат муҳитини белгилайди. Ушбу жараёнлар демократик тамойилларга асосланган ҳолда сиёсий етакчиларнинг сиёсий майдонга чиқиши учун муҳим шарт-шароитлар яратилишига олиб келди. Жумладан, очик танлов тизими, сиёсий рақобат муҳити, плюралистик дастурлар ва ҳоказолар. Замонавий шароитларда сиёсий етакчилар шаклланиши ва уларнинг сиёсий ҳокимиятда етакчи позицияни эгаллаши учун электоратнинг кўпчилик овозини олиш зарур. Бунга эришиш учун сиёсий етакчи аҳолига мақбул бўладиган ва унинг диққатини тортадиган имижни яратиш ва шакллантиришдек муҳим вазифани ҳал этмоғи керак.

Ўзбекистонда ўтган йиллар давомида фуқароларда янги сиёсий хулқ-атвор шаклланиб, ислохотларга хос сиёсий онг ва тафаккур тарзи қарор топди. Бироқ сиёсий тизим таркибидаги барча институтларнинг ташкилий ва таркибий ислохоти самарали сиёсат юритиш учун етарли шароит яратилганини англамайди. Сиёсий тизимнинг такомиллашиб бориши замонавий сиёсий етакчининг шахсига, унинг иш услуби ва қарашлари фуқаролар томонидан қай даражада қўллаб-қувватланаётганига боғлиқ бўлмоқда. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларга сиёсат субъектлари фаолиятининг белгилловчи таъсири сиёсий етакчилик ҳодисаси билан боғлиқ. Шу маънода сиёсий етакчилик ҳодисаси ва сиёсий етакчи имижининг шаклланиш жараёнига оид назарий-методологик ёндашувларни сиёсий фан талаблари асосида тизимли ўрганиш долзарбдир.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони (2017), “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармони (2017), “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5139-сон Фармони (2017),

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сиёсий етакчилик ҳодисаси ва сиёсий етакчи имижини шакллантиришга доир билимлар файласуфлар, тарихчилар, социологлар, сиёсатшунослар ва психологларнинг ишларида ўз аксини топган. Хусусан, қадимда сиёсий етакчилик муаммолари билан Цицерон, Платон, Аристотель, Н.Макиавелли, В.Гегель, Ф.Ницше, Г.Лебон, М.Вебер, Кайковус, Абу Наср Форобий, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоий¹ ва бошқалар шуғулланган. Мутафаккирлар асосан сиёсий етакчи, унинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли, идеал ҳукмдор қандай бўлиши кераклиги каби масалаларга эътибор қаратган.

Сиёсий етакчи ва унинг имижини масалалари юзасидан замонавий назарий тадқиқотлар Ж.Блондел, В.М.Шепель, М.Херманн, Л.Браун, М.Спилмайн² ва бошқалар томонидан олиб борилган бўлиб, тадқиқотчилар сиёсий етакчи имижини ўрганишнинг татбиқий жиҳатида эътибор қаратишган. Хусусан, америкалик тадқиқотчилар етакчилик сифатида президентлик масаласига кўпроқ эътибор қаратишади.

Ғарб сиёсатшунослигида имиж муаммоси XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб ўрганилган. Бундай тадқиқотларни олиб борган Б.Брюс, Ч.У.Ларсон, Malet-Veale D, С.Мейтс, И.Семпсон, С.Й.Вайне, П.Бёрд³ кабилар сиёсий имиж масаласини ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида ўрганиб, унинг стереотип қурилма каби тушунчалар билан муносабатини таҳлил қилган.

МДҲ давлатлари, хусусан, русийзабон олимлардан И.В.Алешина, А.В.Дмитриев, В.В.Латипов, А.Т.Хлопьев, Т.Лебедева, Т.Н.Ушакова, Г.Г.Почепцов, Н.Н.Голядкин, О.А.Феофанов, А.В.Григорьев, Д.Б.О’Дей, Г.Г.Хазагеро, Д.В.Ольшанский⁴ каби олимлар сиёсий имижини уни

¹ Мазкур олимларнинг асарлари диссертация охирида “Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида” келтирилган.

² Блондель Ж. Политическое лидерство. Путь к всеобъемлющему анализу. –М., 1992; Шепель В.М. Имиджелогия. Секреты личного обаяния. –М., 1997; Херманн М. Составные части лидерства. Политология вчера и сегодня. –М., 1990; Браун Л. Имидж – путь к успеху. –СПб.: Питер-Пресс, 1996; Спилмайн М. Создайте свой имидж. Руководство для мужчин. –М., 1996.

³ Bruce B. Image of Power. How the imagemakers shape our leaders. –London., 1994; Larson Ch.U. Persuasion: resection and responsibility. –Belmont., 1995; Malet-Veale D. Putting on the polish. A guide to image enhancement for men women. –Calgary., 1992; Metz C. The imaginare signifier. Psycho analysis and cinema. –Bloomington., 1982; Sampson E. The image factor. A guide to effective self-presentation for coreer enhancement. –London., 1994; Wayne S.Y. The road to the White House 1996. The politics of presidential elections. –N.Y., 1996; Bird P. SiLL yourself. Persuasive taeties to boost your imaje. –London., 1994.

⁴ Алешина И.В. Паблик рилейшнз для менеджеров и маркетеров. –М.: Тандем, 1997; Дмитриев А.В., Латыпов В.В., Хлопьев А.Т. Неформальная политическая коммуникация. –М.: Российская политическая энциклопедия, 1996; Лебедева Т. Искусство обольщения. Паблик релешнз по-французки. –М.: Моск. ун-та, 1996; Ушакова

шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари, ҳокимият технологиялари, сайлов технологиялари ва реклама муаммолари, сиёсий маркетинг, сиёсий коммуникация, паблик рилейшнз доирасида ўрганган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда миллий ғоя ва мафкура, ижтимоий фикр, шунингдек, айнан сиёсий етакчи, ташкилот, мамлакат имижини шакллантириш борасида олиб борилган илмий изланишлар миқёси анча кенгайди. А.Азизхўжаев, Н.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, И.Эргашев, Б.Омонов, Н.Комилов, А.Эркаев, Х.Дўстмухаммедов, Т.Алимардонов, А.Очилдиев, М.Қуронон, Ф.Равшанов, Н.Умарова, Х.Аҳмедов⁵ каби олим ва тадқиқотчилар ўз изланишларида миллий ғоя ва мафкура, уни тарғиб қилишнинг услубий жиҳатлари, ОАВ ва реклама, PR технологияларини ўрганган, сиёсий етакчилик муаммосини сиёсий-социологик ва психологик нуқтаи назардан таҳлил қилган.

Республикамиз олимлари томонидан сиёсий етакчи имижини шакллантириш технологиялари яхлит тарзда махсус ўрганилган бўлмаса-да, улар томонидан яратилган қатор монография ва илмий мақолалар ушбу технологияларнинг айрим жиҳатларини ёритишга ёрдам беради. Ўзбекистонда сўнгги йилларда сиёсий етакчи имижини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Н.Жўраев, Қ.Назаров, Ш.Содиқова, Б.Омонов, У.Идинов, Т.Алимардонов, Қ.Қуронбоев, В.Қўчқоров, Н.Умарова, К.Алибекова⁶ларнинг асарларини шундай манбалар сирасига киритиш мумкин.

Мавжуд манбалар таҳлилидан кўринадики, давлат бошқарувида қўлланадиган технологиялар, хусусан, сиёсий етакчи имижини шакллантириш технологиялари Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида алоҳида мавзу сифатида ҳанузгача махсус ва чуқур ўрганилмаган.

Т.Н. Ведение политических дискуссий. (Колл. монография). –М.: Академия, 1995; Почепцов Г.Г. Паблик рилейшнз для профессионалов. –М.: Ваклер, Рефл-бук, 2001; Голядкин Н.Н. Творческая телереклама (из американского опыта). –М.: НИАНО Институт истории и социальных проблем телевидения, 1998; 1999; Феофанов О.А. Реклама: Новые технологии в России. –СПб.: Питер, 2000; Григорьев А.В., О’Дей Д.Б. Планирование политических кампаний. Шаг за шагом к победе на выборах. –М.: Стольный град, 2003; Хазагеров Г.Г. Политическая риторика. –М.: Николло Медиа, 2002; Ольшанский Д.В. Политический PR. –СПб.: Питер, 2003.

⁵ Азизхўжаев А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. –Т.: Шарқ, Академия, 2001; Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. –Т.: Академия, 2001; Жўраев Н.Қ. Агар огоҳ сен. –Т.: Шарқ, 1997; Эргашев И. Миллий ғоя ва фуқаролик жамияти. –Т.: Академия, 2005; Бахтиёр Омон. Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати. –Т.: Ўзбекистон, 2000; Комилов Н. Миллий мафкура зарурати // Жамият ва бошқарув. –Т.: 1998. - № 3; Эркаев А. Миллий ғоя моҳияти. –Т.: Маънавият, 2000; Дўстмухаммедов Х. Ахборот таҳдиди серқирра муаммо // Ҳуқуқ ва бурч. –Т., 2006. -№2; Умарова Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш. –Т.: Академия, 2005; Алимардонов Т. Раҳбарнинг ахлоқий киёфаси. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010; Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. –Т.: Ижод дунёси, 2002; Қуронон М. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб. –Т.: Маънавият, 2000; Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. –Т.: Академия, 2007; Аҳмедов Х. Ислоҳ Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-сиёсий масалалари: С.ф.н. илмий дар. олиш учун ...дисс. автореф. –Т.: ДЖҚА, 2008.

⁶ Жўраев Н. Юксалиш. –Т.: Ўзбекистон, 1995; Тафаккурдаги эврилиш. –Т.: Шарқ, 2001.; Назаров Қ., Содиқова Ш. Имижеология. –Т.: Академия, 2010; Бахтиёр Омон. Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати. –Т., 2000; Идинов У. Ҳозирги замон демократлашув жараёнларининг концептуал асослари ва мустақил Ўзбекистон тажрибаси // Сиёсий ф.д. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. Автореф. –Т.: 2006; Қуронбоев Қ., Қўчқоров В. Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт. –Т.: Маънавият, 2014; Умарова Н., Ислоҳбеков У. Миллий ғоя тарғиботининг таъсирчанлигини оширишда “PR” технологияларидан фойдаланиш. –Т.: Академия, 2005; Алибекова К. Журналист имижини. –Т.: Янги аср авлоди, 2012. –Б.108.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, “Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти” кафедраси илмий-тадқиқотлар режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сиёсий етакчи имижи муаммоларини комплекс тадқиқ этиб, мамлакатни модернизациялаш ва жамиятни эркинлаштириш жараёнида сиёсий етакчи имижини шакллантириш масалаларини ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида илмий ва назарий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сиёсий етакчилик назариялари генезиси ва концепциялар эволюциясини, турли илмий ёндашувларнинг моҳияти ҳамда функцияларини ўрганиш;

имиж тушунчасининг турли адабиётларда келтирилган таърифларини таҳлил қилиш ва сиёсий етакчи имижини шакллантириш муаммоларини кўриб чиқиш;

сиёсий етакчиларни туркумлаш ва имиж турларини тизимлаштириш; имижни шакллантиришнинг назарий моделини яратиш, унинг таркибий қисмлари ва функцияларини таҳлил қилиш;

сиёсий етакчи имижини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари, метод ва услубларини ёритиш;

имижни рамзий тузилмалар сифатида кўриб чиқиш;

перфоманс, афсоналаштириш, биография, типажлар, стереотипларни имижни шакллантирувчи омиллар, технологиялар сифатида кўриб чиқиш;

замонавий шароитларда Ўзбекистондаги сиёсий етакчи имижини шакллантириш механизмлари ва имкониятларини ўрганиш;

Ўзбекистондаги сиёсий етакчилар имижини шакллантиришда эътиборга олиниши зарур бўлган ўзига хос хусусиятларни очиб бериш;

ижобий сиёсий етакчи имижини шакллантиришга доир тавсиялар, кўрсатмалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини замонавий ижтимоий-сиёсий шароитларда сиёсий етакчи имижининг шаклланиш жараёни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини сиёсий етакчининг нуфузи, легитимлигини таъминлаш жараёнлари, унга таъсир этувчи омиллар, сиёсий имижни юксалтириш, мустаҳкамлаш восита, метод ва шакллари, Ўзбекистонда сиёсий етакчи имижини оширишнинг миллий ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда сиёсий етакчи имижининг шаклланиши жараёнини ўрганишда тарихийлик, мантиқийлик, анализ, қиёсий-тарихий таҳлил ҳамда сиёсий етакчи имижига тизимли-методик ёндашиш каби методлардан ижтимоий эволюцион тараққиёт принциpidан келиб чиққан ҳолда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сиёсий етакчи назариясига оид концепциялар таҳлил қилиниб, имиж сиёсий етакчи шаклланиши ва халқ билан самарали коммуникацияга эришишнинг универсал омили экани асосланган;

замонавий сиёсий етакчи имижи типологияси ишлаб чиқилиб, сиёсий етакчиларни шакллантиришнинг мобил факторлар (мослашувчанлик,

интеллектуаллик, компетентлик) модели яратилган;

Ўзбекистондаги электорат ижтимоий психологиясининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш асосида сиёсатчи имижининг ижобий компонентлари очиб берилган;

сиёсий етакчилар сайловолди дастурларининг қиёсий таҳлили асосида сиёсий етакчининг имижини сайловларда ғалаба, пировардида эса сиёсий ҳокимият легитимлигини таъминлаш омили экани кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сиёсий етакчи ва сиёсий имижнинг назарий асосларини тадқиқ этиш орқали сиёсий етакчи имижининг ўзига хос жиҳатлари Ғарб ва Шарқ назариялари асосида очиб берилган;

“имиж” тушунчасининг турли адабиётларда келтирилган таърифларини таҳлил қилиш орқали сиёсий етакчи имижини шакллантириш жараёни бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партиялар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва унинг жойлардаги бўлимлари, тарғиботчилар, сиёсий етакчи имижини шакллантириш билан шуғулланувчи имижмейкерлар иш режалари, ўқув дастурлари ва бошқа ахборот-таҳлилий ҳужжатларини тайёрлаш, ёшлар учун ташкил қилинадиган ўқувлар, давра суҳбатларини ташкил қилишда улар фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган манбалар, уларни илмий муомалага олиб кириш, ишдан олинган натижаларнинг асосланганлиги ва маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сиёсий етакчи имижининг шаклланиш жараёни назарий-методологик жиҳатдан изчил ва тизимли ўрганилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илгари сурилган хулосалар ва берилган таклифлар сиёсатчилар, сиёсий етакчи имижини шакллантириш билан шуғулланувчи имижмейкерлар учун фойдали бўлиши мумкинлиги, диссертациянинг илмий-методологик қисмлари сиёсатшунос, социолог, психологлар ва давлат хизматчиларига махсус курсларни ўқитишда, жамиятни модернизациялаш ва давлат бошқарувини эркинлаштириш шароитида сиёсий етакчиларнинг замонавий, янги авлодини етиштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий шароитда сиёсий етакчи имижининг шаклланиш жараёнини ўрганиш натижасидаги таклифлар асосида:

замонавий сиёсий етакчи имижини типологиясини яратишга доир илмий хулосалардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан 2017 йилга мўлжалланган иш режасининг VI. “Партиянинг

ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, ташкилий, аёллар ва ёшлар соҳаларидаги вазифалари доирасидаги амалий ва тарғибот-ташвиқот фаолияти” бўлимнинг 6.18. «Партия кадрлар ва мафкуравий-ғоявий сиёсатининг янги ёндашувлари ва долзарб вазифалари» бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгашининг 2017 йил 11 ноябрдаги 01-617-сонли маълумотнома). Натижада, ушбу лойиҳа доирасида ҳудудий, минтақавий ва республика ўқув-амалий семинарлари ташкил қилинган, партия фаолиятининг барча соҳалари бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказилиб партия томонидан кўрсатилган номзод аҳоли билан мулоқотга киришганида бошқа номзодлардан ажралиб туришига ҳамда сайловчилар учун мақбул имижни ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

сиёсий етакчи имижини шакллантириш борасидаги назарий ва амалий таклифлардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2017 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси ва унинг асосида иттифоқнинг Сардорлар Кенгашлари учун ташкил этилган ўқув-семинарларда; иттифоқнинг олий таълим муассасалари, вазирлик ва идоралардаги ёшлар етакчилари учун ташкил қилинган ўқув-семинарларда маъруза ва тарқатма материалларни шакллантириш; ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ўқув курсларида маъруза ва тақдимот (презентация) тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг 2017 йил 29 декабрдаги 04-13/2796-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар сиёсий етакчи сайловолди дастурларининг қиёсий таҳлили асосида сиёсий етакчи имижини шакллантиришга доир назарий хулосалар ёшларнинг сиёсий етакчилар сифатида ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошишига муайян даражада хизмат қилган;

сиёсий етакчи имижини технологияларини сиёсатда қўллаш муаммосини Ўзбекистон Республикаси мисолида ўрганиш миллий ғоя ва мафкуравий тарғиботнинг таъсирчанлигини ошириш, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилишига оид таклифлардан Республика Маънавият ва марифат марказининг 2017-2018 йилларга мўлжалланган иш режасининг I банди “Марказнинг устувор вазифалари юзасидан” бўлимнинг “Миллий ва диний қадриятлар, уларнинг жамият тараққиётига таъсири ва ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб боришдаги ўрни масалаларига йўналтирилган тадқиқотлар олиб бориш, улар натижаси юзасидан рисоалар чоп этиш” бандини тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 15 майдаги 02/07-629-18-сонли маълумотнома). Тадқиқот натижалари асосида услубий тавсиялар, тарғибот материаллари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (улардан 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сиёсий етакчи имижини тадқиқ этишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида сиёсий етакчиликни тадқиқ этишдаги назарий-методологик ёндашувлар, сиёсий етакчилар таснифи ва уларнинг намоён бўлиши ҳамда сиёсий етакчи имижига доир илмий-сиёсий қарашлар динамикаси кўриб чиқилган.

Сиёсий фан назарияси ва амалиётида сиёсий етакчилик масаласи илмий-назарий жиҳатдан ўрганиб келинмоқда. Инглизча “leader” (лидер) сўзи – ўзбек тилида етакчи, раҳбар, йўлбошчи маъноларини беради. Назаримизда, “лидер” атамаси маъносини етакчи сўзи тўлиқ ифодалайди. Етакчи – муайян ташкилотнинг обрўли, етакчи шахси бўлиб, у ўзининг инсоний сифатлари билан ташкилот аъзоларига ижобий таъсир ўтказа олади. Дастлаб сиёсий етакчи деганда давлат бошлиғи, кўмондон каби мансабдор шахслар назарда тутилган бўлса, ХХ асрда сиёсий институтлар, партиялар ва ҳаракатларнинг ривожланиши натижасида сиёсий етакчи тушунчаси кенг қўллана бошлади. Сиёсий етакчи – бу ҳар бир ташкилотда таъсир кучига эга бўлган йўлбошчи шахс⁷. Демак, фаолият тури ва мавқеига кўра жамият, давлат, ташкилотга доимий ва ҳал қилувчи таъсирга эга бўлган шахс сиёсий етакчи деб аталади.

Етакчилик – кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса. Сиёсий етакчилик эса ижтимоий вазифа бўлиб, у инсоннинг онгли равишда умумий аҳамиятга эга мақсадларни қўйиш ва уларга эришиш усулларини сиёсий институтлар доирасида белгилаш қобилиятида ифодаланади. У ёки бу гуруҳнинг вужудга келиши табиий равишда сиёсий етакчига эҳтиёжни келтириб чиқаради.

Сиёсий етакчи шахси, маънавияти ва имижини такомиллаштириш муаммоси кишилик жамияти тараққиётининг барча даврларида, жумладан, Шарқ халқлари тарихида ҳам муҳим масала бўлиб келган. Чунки ҳар бир даврдаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ижтимоий мавқе жиҳатидан етакчи шахснинг юқори ўринда туришини ҳамда аҳолининг ҳаёт тарзи, равнақи, даражаси, фаровонлиги, бахтли турмуш кечириши, шу юқори мавқедаги

⁷Практикум по политологии. Под. Ред. М.А.Василина. – М.: Аст, 2000. – С.84.

шахсга, унинг маънавияти ва имиж хислатларига боғлиқдир. Шарқ мутафаккирларининг сиёсий етакчи маънавияти ва имиж, бошқарув фаолиятига тааллуқли қарашлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Сиёсий етакчиликнинг шарқона таҳлилида етакчига насихатгўйлик ёндашуви устуворлик қилади. Унга кўра давлат арбоби сиёсати ҳар қандай вазиятда ҳам ахлоқий тамойиллар: ростгўйлик, ҳалоллик, одамларга хайрихоҳлик кабиларга зид бўлмаслиги керак. Бундай шарқона қарашлар ҳозирги замон демократик жамиятларида сиёсатнинг инсонпарварлашуви, унинг инсон ҳуқуқлари кафолати сифатида танилишида ўз ифодасини топмоқда. Бу қоидаларга амал қилган сиёсий етакчилар имиж янада юксалиб бормоқда.

Сиёсий етакчилик ҳақидаги ғоя ва фикрлар, хулосалар хилма-хил бўлишига қарамай, у шахснинг жамият ёки гуруҳга доимий, устувор таъсири сифатида кўриб чиқилади.

Бизнингча, сиёсий етакчиликнинг намоён бўлиши турлича. Уларни таснифлаш ва гуруҳларга ажратишга уриниш сиёсий етакчиларнинг эҳтимолий хатти-ҳаракатини баъзи ўзгарувчан белгилар асосида башорат қилиш истаги билан белгиланади. Тасниф белгиларини сони ва мазмунига кўра турларга ажратиш оддий ва мураккаб бўлади. Микдорий кўрсаткич яққа ва жамоа етакчилигини “ажратиш” имконини беради. Аслида етакчиларнинг мавжуд кўплаб турларини тартибга солиш учун фанда сиёсий етакчиларни таснифлаш, сиёсий етакчиларнинг кенг тарқалган, умумлашган турларини ажратишга ҳаракат қилинади. Сиёсий етакчилар классификацияси учун хилма-хил асослар мавжуд. Ижтимоий-сиёсий фанларда сиёсий етакчиларни раҳбар ва бўйсунувчи муносабатларига боғлиқ ҳолда авторитар ва демократик турларга бўлиш кенг тарқалган. М.Вебер таклиф қилган сиёсий етакчиларнинг классик таснифи ҳокимиятни легитимлаштириш усуллари ҳақидаги таълимотга асосланган. Унга мувофиқ, анъанавий, харизматик ва рационал-легал сиёсий етакчилар ажратилади. Ж.Блондель иккита мезон: сиёсий етакчи илгари сурган мақсадлар ва унинг ижтимоий муҳитга таъсири характериға асосланган икки ўлчамли “етакчилик таснифини” таклиф этди. Рин Жайнер ҳам сиёсий етакчиликка икки асосий: ташаббускор ва консерватив ёндашув мавжудлигини кўрсатади.

Америкалик олима М.Херман сиёсий етакчиларни турларга ажратишнинг янада замонавий ва кенг тарқалган принципини илгари суради. Унда сиёсий етакчилар имиж асосида таснифланади. Бу етакчининг визуал жозибадорлигидир. Табиийки, ҳар бир инсон ўзининг бошқалар томонидан тан олинishi орқали яшайди, бу етакчилар учун жуда зарур. М.Херман етакчиларнинг кифасини тўрт кўрсаткич: етакчининг характери; тарафдорларининг хусусиятлари; етакчи ва тарафдорларининг ўзаро таъсири; етакчилик амалга ошириладиган аниқ вазиятни ҳисобга олиш асосида фарқлайди.

Жамиятда сиёсий етакчиларнинг вазифалари унинг иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги етуклик даражаси, аҳолининг маданий даражаси, сиёсий тартиб характери, ва ниҳоят, етакчининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Фуқароси етук жамият ижтимоий ва сиёсий роль ҳамда вазифалар

таксимотининг юқори даражада экани, анъанавий ва ўтиш даврига хос жамиятларда баъзан юз бераётган етакчилик ўринларига непрофессионал сиёсатчиларнинг сайланиши эҳтимолини камайтиради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, сиёсий етакчилар учун умумий аҳамиятга эга вазифалардан қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1) интеграциялаш: жамият тан олган асосий қадрият ва идеаллар асосида турли гуруҳлар манфаатларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш;

2) мўлжалланган: тараққиёт йўналишлари ва аҳоли гуруҳлари эҳтиёжларини акс эттирувчи сиёсий йўналишни ишлаб чиқиш;

3) воситачилик: жамият олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш шакллари аниқлаш;

4) мобиль: аҳоли учун пухта ўйланган рағбатларни яратиш ёрдамида зарурий ўзгаришларни ифодалаш;

5) коммуникацияли: жамоатчилик, турли ташкилотлар, гуруҳ ва қатламлар билан узвий алоқа асосида ўзини ўзи бошқаришнинг мустаҳкам шакллари таъминлаш;

6) ҳаққонийлик: қонунийлик ва тартиб қафолати, яъни бюрократия, ноқонунийлик, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишидан ҳимоялаш.

Давлат ва жамият олдида турган масалаларни самарали ҳал қилиш раҳбардан чуқур, атрофлича билимни, чинакам касбий маҳоратни талаб қилади. Аммо фуқароларнинг сиёсий етакчига бўлган муносабати, унда чинакам йўлбошчини кўриши кўп жихатдан унинг одамлар орасида шаклланган имижга боғлиқ. “Имиж” атамаси инглиз тилидаги “image” сўздан олинган бўлиб, ўзбек тилида *қиёфа, сиймо, тимсол, чирой, машхур, келишган, савлатли, обрўли, нуфузли* каби маъноларни билдиради. “Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати”да имиж “одамлар онгида муайян шахс, ташкилот ёки бошқа ижтимоий объектга нисбатан юзага келадиган, идрок этилаётган объект ҳақидаги ахборотни ўзида мужассамлаштирган ва ижтимоий хулқ-атворга даъват этадиган муайян синтетик образ”⁸ сифатида таърифланган.

Адабиётларда “имиж” атамасига бир қатор таърифлар мавжуд бўлиб, у тадқиқот муаллифлари томонидан турлича талқин қилинади. Турли таъриф ва тавсифлардан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, имижни қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ: **имиж ахборот коммуникация (телевидение, радио, интернет ва бошқалар) воситалари, ижтимоий гуруҳлар ёки шахснинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва ҳаракатлари орқали ўзини жамиятга тақдим қилиш усули бўлиб, сиёсий етакчининг сиёсий мавқеини баҳолаш ва жамиятдаги мақомини белгилаш мақсадида яратилган индивидуал қиёфадир.**

Ўзбекистонда бу тушунчанинг ишлатила бошланганига у қадар кўп бўлгани йўқ. XX аср охири ва XXI аср бошларида телевидениеда, хусусий даврий матбуот саҳифаларида бу сўз тилга олина бошланди. Бугунги кунда кўплаб сиёсатчи, санъаткор, спортчи, тадбиркор, зиёли, талаба ва бошқа соҳа

⁸ Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: Ғ.Фулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. –Б.193.

вакиллари “имиж” тушунчаси ҳақида етарли маълумотга эга. Бунинг асосий сабаби сиёсий тизимнинг ўзгариши, сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг эркинлашуви натижасида ижтимоий-сиёсий соҳалар турли партия ва гуруҳлар ўртасидаги рақобат майдонига айланганлигидир. Шунинг учун одамларнинг ишончини қозониш сиёсий партия ёки жамоат ташкилотлари ва уларнинг сиёсий етакчилари олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Сиёсий етакчи имижининг шаклланиш жараёни омиллари ва воситалари”** деб номланади. Ушбу бобда сиёсий етакчи имижи шаклланишига ахборот коммуникация тизимининг таъсири, сиёсий етакчи имижининг шаклланишида нутқ ва нотиклик маҳорати ҳамда сиёсий етакчи имижини оширишда имижмейкерларнинг ўрни масалалари ўрганилган. Ахборот даври дейилувчи ҳозирги замон тамаддуни ижтимоий ҳаётнинг ҳамма коммуникатив соҳалари аҳамиятини оширмоқда. Ахборотлашган жамиятда имиж инсон ёки ташкилотнинг мазмун-моҳиятини ўзида ифода этувчи муҳим ахборот манбаидир. У қанчалик тўғри шакллантирилса, сиёсий етакчининг фаолияти шунчалик самарали бўлади. Имиждан келиб чиқиб, муайян бир шахс билан ўзаро муносабат ўрнатиш мумкин, яъни уни депутат қилиб сайлаш, лавозимга тайинлаш, келажакда президентликка номзод сифатида унга овоз бериш мумкин. Демак, имиж қанчалик тўғри танланса ва яратилса, жамоатчилик билан шунчалик самарали коммуникацияга эришилади.

Ахборот истеъмолчиси ўзи истаган, дунёқарашига мос келадиган маълумотларнигина қабул қилади. У айнан мана шу коммуникацияларга мойил бўлгани учун самимий, кучли, ишончли деб билган етакчиларни танлайди. Жамоатчилик фикри ана шу тарзда шаклланиб боради, яхлит жамият тақдирига дахлдор хулосага айланади. Демак, омма онги идеал имижни шакллантиради, ривожлантиради. Реал номзод шу асосда текширилади, унга баҳо берилади.

Ўзбекистонда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайлови ҳам сиёсий имижнинг ўзига хос кўринишларини намоён этди. Ушбу президентлик сайловида Ш.М.Мирзиёев ўзининг юксак сиёсий етакчилик фазилатларини катта тажриба эгаси ва жамият томонидан тўла эътироф этилган шахс сифатида намоён қилди. Натижада сайловчиларнинг 88,61% овози билан сайланди. Сайловдан сўнг Ўзбекистон Президенти сифатида иш бошлаган Ш.М.Мирзиёев айни номзодлик дастурини қайта кўриб чиқиб, унда кўтарилган масалаларни чуқурлаштириб, конкретлаштириб, ҳар бир соҳа ва йўналишни жадал ривожлантириш бўйича ҳам назарий, ҳам амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқди ва уни **“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”**га айлантирди. Ана шу жараённинг ўзида сиёсий етакчининг, давлат раҳбарининг ҳеч кимга ўхшамаган, ўзига хос жиҳатлари, жумладан:

сиёсий етакчининг қатъий ва ўзгармас сиёсий позицияга эгаллиги;

бошлаган ишини охирига етказиш, яъни қатъиятлилиги ва узоқни кўзлаган сиёсий етакчига хос хусусиятлар;

давлат раҳбарининг бутун обрў-эътиборини, сиёсий имижини белгилайдиган сўз билан иш бирлигига эришиш;

сиёсий қарашларда изчиллик, узвийлик ва уларни ҳаётга жорий этишда қатъий талабчанликнинг юксак даражада намоён бўлиши;

улкан хотира қуввати ва ички ирода кучи туфайли жамиятнинг ҳамма соҳа ва йўналишларини, ижтимоий ҳаётнинг барча қирраларини бир йўла назорат қила олиш салоҳияти;

кўтарилган масалалар ва топширилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишига эришиш;

- шарқона бошқарув маданияти ва раҳбарлик одоби намоён бўлди. Бунда, жумладан, очиқ сиёсий муносабатлар, халқ билан жонли мулоқот, одамлар орасида юриш, уларнинг қувонч ва қайғуларига шерик бўлиш, ҳар бир фуқаронинг орзу-ўйлари, мақсадларини ўрганиш ва уларнинг рўёбга чиқишига кўмак бериш каби соф инсоний фазилатлар бу сиёсий имижнинг изчил, давомли тарзда шаклланиб бораётгани ифодасидир.

Одамлар дунё моделининг вербал қурилишига диққат билан қулоқ соладилар, у ёки бу ҳодисаларнинг айнан вербал томонига сезгирлик билан қарайдилар. Бу имиж таъсирини янада оширади. Натижада вазият ва сиёсатчи қиёфаси эсда яхшироқ сақланади. Бу жиҳатдан нутқлар вербал соҳанинг олий даражаси саналади. Бошқача айтганда, “нутқ – инсон томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш, авлодларга узатиш ёки алоқа ўрнатиш, ўз шахсий ҳаракатларини режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёни”⁹. Нутқлар, чиқишлар ҳамма вақт ижтимоий бошқарувнинг муҳим элементларидан бири саналган. Сўзлар жозибаси туфайли кишилар нутқни (нотиқни) маҳлиё бўлиб тинглайди, ундан таъсирланади. Нутқ ёрдамида жамоатчиликка умумий вербал таъсир ва мақсадли ишонтирувчи нутқ, хусусан, риторика жуда кучли таъсир воситаси саналади. Шунинг учун имижнинг вербал компонентига доимо эътибор қаратилади.

Давлат раҳбарларининг нотиклик маҳорати алоҳида аҳамиятга молик. Нотиклик санъатини мукаммал даражада эгаллаган раҳбар сўз қудратидан фойдаланиб, одамларни ўзига қарата оладиган ҳақиқий йўлбошчига айлана олади. Конфуций, Амир Темур, Маҳатма Ганди, Ислом Каримов ва бошқа тарихий шахсларнинг сиёсий ҳаёти бунга ёрқин мисолдир.

Бугунги ўзбек илмий-сиёсий услубини танқидий баҳолашда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқ, маърузалари муҳим роль ўйнайди. Давлат раҳбарининг илмий-сиёсий услубида, биринчидан, ўзига хос танқидий ёндашув, айрим идора ва раҳбарларнинг реал ҳаётдан узилиб қолаётганининг халқона ифодаси мавжуд. Иккинчидан, бу услубнинг илдизлари, эслатиб ўтилганидек, кўпчилик раҳбарларнинг мураккаб муаммоларни хонадан чиқмасдан ҳал этишга одатланиб қолганига бориб тақалади. Учинчидан, комплекс таркибидаги ҳар бир бошқарув органи раҳбарига жиддий ва аниқ баҳо бериш билан боғлиқ. Ш.М.Мирзиёевнинг нутқ, маърузаларидаги фикр фавқулудда тиниқлиги билан тингловчи ва омма эътиборини ўзига тортади.

⁹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: Ф.Ғулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. –Б.442.

Нотик ҳар бир чиқишида масалани аниқ қўяди ва унинг ечимини тўғри кўрсатиб беради. Демак, бу нутқларда ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни илмий жиҳатдан тўғри таҳлилий баҳолаш, мантиқнинг кучлилиги жонли сўзнинг тингловчиларга етиб боришини осонлаштиришда, илмий хулосаларнинг тезда уқиб олинишини кучайтиришда, айрим мураккаб тушунчаларни очиб беришда қўл келмоқда.

Ҳар қандай сиёсатчи қайсидир маънода ўз-ўзига самарали имижмейкердир. Дарҳақиқат, кўп жиҳатдан уларнинг ўзи ўз имижини яратади. Чунки омма онгида сиёсатчилар имижининг хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори ва муносабатлари билан боғлиқ бўлган компонентлари кўпроқ аҳамиятга эга. Масалан, кимдир “хўжаликпарвар”, “ноёб инсон”, яна кимдир “қайсар сиёсатчи” сифатида ўзини намоён қилиши мумкин.

Сиёсатчилар бизда яхши таассурот қолдираётган бир пайтда ўзлари онгли равишда имиж жараёнларини бошқаришга ҳаракат қилади. Бу кўпинча самара бермаса ҳам, сиёсатчиларнинг бундай ташқи кўриниши кучли ички, ўз-ўзининг назорати билан уйғунлашади. Шу билан бирга, сиёсатчи учун у томонидан назорат этилмайдиган маконга тушиб қолиш хавфи мавжуд. Ҳар бир сиёсий етакчи, ҳатто энг тоза таржимаи ҳолга эга бўлган сиёсатчи ҳам шуни алоҳида эътиборга олиши – жуда эҳтиёткор бўлиши керак.

Тадқиқотлар кўрсатадики, сиёсий етакчи ва имижмейкерларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳисобига максимал самарага эришиш мумкин.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда сиёсий етакчи имиж шаклланишининг замонавий ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий фанларида имижеология масалаларига замонавий ёндашув, Ўзбекистонда сиёсий етакчи имижини юксалтиришнинг маънавий омиллари ҳамда сиёсий етакчи имижини такомиллаштиришнинг замонавий технологияларига доир масалалар тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий-гуманитар фанлар мустақилликнинг қўлга киритилиши билан амалда фан сифатида ўқитила бошланди. Ижтимоий-сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва уларга оид назарий концепцияларни яратиш, тадқиқот усулларини ишлаб чиқиш ўтган асрнинг 90-йилларидан бошланди. Жумладан, сиёсатшуносликнинг миллий назарий белгилари, тадқиқот объектлари, этнопсихологик жиҳатлари ана шу даврда ўрганилди ва бу фан мақомида тобора ривожланиб бормоқда. Ижтимоий-гуманитар соҳа олимлари чоп этган мақолалар ва асарлар ўзбек сиёсатшунослик фанининг тобора шаклланаётганидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида Ибн Сино, Беруний, Форобий, Низомулмулк, М.Қошғарий, Ат-Термизий, Амир Темур, Навоий, Бобур ва бошқаларнинг назарий қарашлари ҳамда шайбонийхонлар, сомонийлар, салжуқийлар давлатига оид кенг тадқиқотлар амалга оширилдики, уларда давлат раҳбари, ҳукмдорнинг фазилатлари, жамиятни бошқаришдаги хислатлари чуқур тадқиқ қилинди.

Мустақиллик йиллари сиёсий фанларда Ўзбекистондаги сиёсий ислохотлар ҳам турли йўналишларда тадқиқ қилинди. Жумладан, сиёсатшунослар И.Эргашев, У.Идиоров, М.Қирғизбоев кабилар фуқаролик

жамиятини шакллантириш ва сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш, Қ.Назаров, М.Бекмуродов, А.Холбеков ва бошқ. сиёсий ислохотларнинг фалсафий-социологик йўналишларини, А.Муминов, Т.Жўраев, С.Жўраевлар мустақил Ўзбекистон давлатининг миллий ва халқаро муносабатларини, А.Саидов, Э.Халилов, Ш.Жалилов, О.Хусанов кабилар давлат ва жамият қурилишининг сиёсий-ҳуқуқий масалалари, Н.Жўраев лидерология, янгиланишлар жараёнида сиёсий етакчининг ўрни ва роли, Т.Алимардонов, А.Бегматов, Н.Умарова ва бошқа тадқиқотчилар сиёсий ислохотларнинг маънавий асосларини ўрганган.

